

ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 5 (175)

2009 YIL, MAY

ISSN -2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

ЭНГ ТЎҒРИ ЙЎЛ

Институтимиз талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганиш бўйича муҳим тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганиш ташкил этиш бўйича институтда муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Институтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 28 мартдаги 90-рақамли, Халқ таълими ва зирлигининг 2009 йил 28 мартдаги 71-рақамли Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобини ўрганиш тўғрисидаги буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида институт ректорининг 2009 йил 1 апрелда 81-сонли буйруғи эълон қилинди ва унга биноан ҳаракат дастури тасдиқланди.

Жорий ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганиш барча бакалаврият йўналишларининг 2-курсларида «Кўшимча фанлар» соатлари ҳисобидан, 1 ва 3-босқич талабалари ва магистратура босқичи талабалари «Танлов фанлар» соати ҳисобидан, 4-босқич талабаларига ҳар сешанба ва жума кунлари факультатив соатлар ҳисобидан ўтилиши режалаштирилди ва ўқув машғулоти институт ректори томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилмоқда.

2 апрел куни Тошкент давлат иқтисодий университетидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш бўйича ўтказилган семинар-тақдимотда институт ректори, профессор О.Дўсматов, география ва иқтисодий билим асослари кафедраси

мудир, доцент Н.И.Исмамов, иқтисод фанлари номзоди, доцент Ш.Хидиров, катта ўқитувчи Ҳ.Сангировлар иштирок этишди.

Китобнинг мазмун-моҳиятини институт ва кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини ташкил этиш, раҳбар ва педагог кадрлар учун мазкур китобни самарали ўқитиш билан боғлиқ ташкилий ишлар амалга оширилди. Жумладан, «География ва иқтисодий билим асослари» кафедрасининг 3 нафар профессор-ўқитувчиси Самарқанд Давлат университетида 10-11 апрел кунлари малака ошириш курсини ўтадилар. Институт ректорининг буйруғига кўра 11 нафар ўқитувчи кўшимча равишда махсус курс бўйича ўқув машғулоти ўтказишга жалб этилди. Ўқитувчилар ва факультет деканлари, бўлим бошлиқлари учун етакчи олий ўқув юртлирида ташкил этилган махсус курслар доирасида 13-16 апрел кунлари малака ошириш курси ташкил этилди. Шунингдек, асардаги қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича ўқув ишлари проректори профессор Н.Алимов раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузилди.

Мазкур курс самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш бўйича яратилган услубий қўлланмалар, тавсияларнинг электрон версиялари институт локал тармоғига уланган барча компьютер синфлари, ахборот ресурслари, кафедралардаги мавжуд компьютерларга жойлаштирилди. Натижада талабалар ва профессор ўқитувчиларнинг асарни ўрганиш бўйича мустақил ишлашлари учун етарли шароитлар яратилди.

Институтда шунингдек, китобни ўрганиш бўйича викторина ва кўрик-танловлар ўтказиш режалаштирилди. Ҳолиблар Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

СЕМИНАР ТРЕНИНГ

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганишга бағишлаб институт профессор-ўқитувчилари иштирокида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Иқтисод фанлари номзодлари Ш.Хидиров, Ф.Ҳолиев маъруза қилдилар. Ахборот технологиялари маркази раҳбари Ж.Мажидов асарни ўрганишни ташкил қилишда ахборот технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича чиқиш қилди.

Семинар тренинг қизгин муҳокама ва мунозара тарзида ўтди. Профессор ўқитувчилар асосий эътиборни асар мазмун-моҳиятини талабаларга ва кенг оммага тушунтириш йўриқларига қаратдилар.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРҒАЛАРИДАН БИРИ

24-25 апрел кунлари Республика «Талаба» спорт уюшмаси раиси, доцент Турғунбой Холдаров туғилган кунининг 60 йиллиги ва педагогик фаолиятининг 40 йиллиги муносабати билан институтда Республика Илмий-назарий конференцияси ва кеча уюштирилди. Тадбирнинг Жиззахда ўтказилишида рамзий маъно бор: Т.Холдаров жўшқин меҳнат фаолиятининг қарийб ўттиз йиллини Жиззах Давлат педагогика институти билан боғлаган мураббий.

Институт жамоаси, турли вилоятлардан келган меҳмонлар устозни табриқладилар. Ушбу сана муносабати билан спорт мусобақалари ҳам ўтказилди.

Яқин мажлисда профессор Ҳ.Мелиев педагогика фанлари номзоди Т.Холдаровнинг ҳаёт ва фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Институт ректори, профессор О.Дўсматов юбиларга Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва совғаларни топширди.

Турғунбой Холдаровни Республикада таниқли жисмоний тарбия фани дарғаларидан бири десак хато бўлмайди. С.Айний номидаги Самарқанд Давлат педагогика институтининг Жисмоний тарбия факультетининг иминиёли диплом билан таъминланган Турғунбой Холдаров 1974-1976 йилларда Самарқанд ўқитувчилар малакасини ошириш институти жисмоний тарбия ва бошланғич

ҳарбий таълим кабинети мудир, 1976 йилда А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси, жисмоний тарбия назарияси, спорт фанлари кафедраси мудир, жисмоний тарбия бўлими бошлиғи, 1990 йилдан жисмоний тарбия факультети декани вазифаларида ишлади.

1991 йили Санкт-Петербург шаҳрида П.Ф. Лесгафт номидаги жисмоний тарбия институтида фан номзодлигини ҳимоя қилди. Т.Холдаров 6 та ўқув қўлланма, «Туризм», «Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти», «Туризм ва уни ўқитиш услуби», «Саломатлик омиллари ва аломатлари», «Бадан тарбиядан спортга» ўқув дастури, 40 та услубий тавсиянома, 100 дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи.

Олим 2003 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Республика «Талаба» спорт уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Устознинг оилавий ишлари ва педагогик фаолиятида улкан ютуқлар тиллаيمиз.

А.ЎРЗОВ,

физика-математика факультети маънавий маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари.

Тақдимот

“ЗОМИН СЎЗЛИГИ” ҚАДРИЯТДАН СЎЗЛАЙДИ

Таниқли тилшунос олимлар, филология фанлари номзоди, доцент Босим Тўйчибоев ва профессор Қозоқбой Йўлдошевларнинг яқинда нашр этилган “Зомин сўзлиги” китобларини нафақат тилшунослигимиз балки ўзбек маданияти, тарихи, этнографияси, қадриятимиз ҳазинасига қўшилган бебаҳо бойлик деса бўлади. Шунингдек Қ.Йўлдошевнинг 60 йиллиғига бағишланган “Одам ҳақида одамлар” китоби ҳам босмадан чиқди.

Институтимизда талабалар, профессор ўқитувчилар, академик лицей ва касб хунар коллежлари етакчилари иштирокида китоблар тақдимоти бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Тадбирни институт ректори, профессор О.М.Дўсматов очди. Ташриф буюрган меҳмонларни Жиззах вилояти

ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Шахло Аҳророва таништирди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Азим Суюн, ёзувчи ва шоирлар Лукмон Буриқон, Абдусайд Қўчимов, Ҳаёт Шодмон, олимлардан Турсункул Алмамов, Маждид Ражабов ва бошқалар китоблар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Шоирлар янги ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Таниқли тилшунос олим, педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев муборак 60 ёшни қаршиламоқда. Институтимиз ректори О.Дўсматов олимга институт жамоаси номидан тантанали суратда совғаларни топширди.

Ч.ЛАПАСОВА,
Ф.КОМИЛОВ.

БУЮК СОҲИБҚИРОНГА БАҒИШЛАБ

Соҳибқирон Амур Темур таваллудининг 673 йиллиги Республикада ва бутун жаҳонда кенг нишонланди.

Институтимиз маданият саройида ҳам буюк саркарданинг таваллуд кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Анжумани институт ректори, профессор О.Дўсматов очди.

Ўзбекистон тарихи кафедраси мудир доцент М.Пардаев Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маъруза ўқиди. Ижтимоий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси С.Назарқосимов буюк саркарданинг мамлакатда маънавият, маърифатни юксалтириш, адолатни қарор топтириш ва мустақкам, адолатли давлатни тузишдаги хизматлари ҳақида гапирди.

Муסיқа йўналиши ўқитувчи ва талабалари бадий чиқишлари билан, тарих факультети талабалари ўзларининг Соҳибқиронга атаб чизган расмлари билан қатнашдилар.

Ф.КОМИЛОВ.

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР

ЖИЗЗАХЛИК ОЛИМЛАР ДУБНАГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Республикада кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти ва Жиззах Давлат педагогика институти ўртасида шартнома тузилган. Шартнома асосида институтдаги ядро ва элементар зарралар физикаси ихтисослиги бўйича аспирантлар Гулмурод Худойбердиев, Қахрамон Маматқулов ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли “Физика-Қуёш” ИИЧБ Физика-техника институти аспиранти Расул Каттабеков ҳамкорликда олиб борилётган илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш учун Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти Юқори Энергиялар Физикаси

лабораториясига бир йил муддатга жўнаб кетишди.

Институтимиз умуий физика кафедраси профессори, физика-математика фанлари доктори Раҳматилла Бекмирзаев раҳбарлигида бир неча йиллардан бери юқори энергиялар физикасининг энг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Олинган натижалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва Технологиялар Марказининг фундаментал тадқиқотлар бўйича 2003-2007 йилларга мўлжалланган давлат гранти бажарилди. Бу Дубна шаҳридаги (Россия Федерацияси) Бирлашган ядро тадқиқотлари институти билан халқаро алоқаларни янада мустақкамлашга имкон беради.

С. ЖИЯНБОВ.

БУГУНГИ СОНДА


- 2-бет
- * Устозлар шарафи.
 - * Маънавий-маърифий ишда самара бўлсин.
 - * Учрашув
 - * Партия аъзоларининг вазифалари

- 3-бет
- * Талаба келин бўлганда.
 - * Кийиниш одоби.
 - * Яхши ўқишга тўсиқ нима?
 - * Қўл телефонида асаб-бузарлик.

- 4-бет
- * Ҳамлет монолоғи ва унинг таржималари.
 - * Муҳаммад Юсуф хотирасига
 - * Қодирий - сўз санъаткори.
 - * Талабаларга маслаҳат.

ТЎЙХАТ ЎРНИДА

УСТОЗЛИК ШАРАФИ



Камтарин инсон, зукко олим Холбўта Абилович Тўрақулов 1949 йил 15 майда Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Кўрли қишлоғида таваллуд топди. Мактабни аъло баҳолар билан тугатган, илмга бўлган чанқоқлик уни Самарқанд шахрига етаклади. 1967 йилда Самарқанд Давлат университетининг механика-математика факультетининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Кундузи иш, кечкурунлари ўқишни давом эттира бошлади.

1973 йилда университетнинг механика-математика факультетини тамомлаган Холбўта Абилович Иштихон тумани халқ таълими бўлимига қарашли Фуркат номли 58-сон ўрта мактабда математика фани ўқитувчиси сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. Холбўта Абиловичнинг илм билан шуғулланиши истаги борлигини сезган устозлари 1976 йили Жиззах Давлат педагогика институтига ишга таклиф қилишди. Шу институтнинг «Олий математика» кафедрасида ўқитувчи бўлиб ишла бошлади. У кишидаги ташкилотчиликни, тажрибани сезган факультет раҳбарлари жамоатчилик асосида ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари этиб тайинлашди. Бўлажак олимда илм билан шуғулланиши иштиёқи зўр келиб Ўзбекистон Фанлар Академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги «Кибернетика» институтига аспирантурага кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди ва 1978 йил 1 майдан аспирант деган улуғ ном эгаси бўлди. Офтальмология кибернетика бўлимида математика ва кибернетика йўналишига техника фанлари доктори, профессор Хусан Қодиров ва тиббиёт йўналишига тиббиёт фанлари доктори, профессор Халидjon Комилволлар раҳбарлигида «Инсон кўриш йўлидаги бузилишлари (касалликларни) аниқлашнинг математик

моделини яратиш ва уни замонавий ҳисоблаш техникаси воситасида амалиётга жорий этиш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб борди. Бунинг натижаси бўйича Жиззах вилояти кўз касалликлари шифохонаси ва Нукус кўз касалликлари шифохонасида тажриба ўтказилди. Натижа муваффақиятли бўлди ва домла 1982 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, техника фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Шу кундан бошлаб Холбўта Абилович илмий иш йўналиши билан кенгроқ шуғуллана бошлади. Илмий ишининг натижалари Новокузнецк, Новосибирск, Москва, Киев, Харьков, Санкт-Петербург, Тошкент, Душанбе, Олмаота каби шаҳарлардаги илмий анжуманларда алоҳида кайд этилди.

Олимнинг кибернетика соҳасидаги ишидан хабардор бўлган «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори академик Восил Қобилов хузурига чақириб Жиззах вилоятида кибернетикани ёйиш режасини мақсад қилиб қўйганлигини айтади ва уни Республика автоматлаштирилган бошқарув тизимининг Жиззах бюроси раҳбари этиб тайинлайди. Кибернетика соҳасида катта билим ва тажрибага эга бўлган олим қисқа вақт ичида вилоятда автоматлаштирилган бошқарув тизимининг техник топшириқларини ишлаб чиқади ва катта натижаларни қўлга киритади. Бу вақтда домла 20 дан ортиқ илмий мақола эълон қилди.

Холбўта Тўрақулов илмий фаолият билан бирга самарали педагогик фаолиятини ҳам давом эттиради. Жиззах Давлат педагогика институтининг «Ўқитишнинг техник воситалари» кафедрасида катта ўқитувчи бўлиб ишла бошлади. 1984 йилда «Умумий техника фанлари» кафедрасига мудир этиб тайинланди. Устоз кибернетика йўналиши билан бирга ўқитиш методикаси муаммоси билан ҳам шуғуллана бошлади.

Холбўта Абилович илмий фаолиятини раҳбарлик ишлари билан ҳамкорликда олиб борди. Натижада 1989 йилдан ҳозирги кунгача дастлаб «Умумий техника фанлари ва меҳнат» факультетида, 1997 йилдан «Педагогика» факультетида деканлик лавозимида ишлаб келмоқда. Деканликнинг дастлабки кунлариданоқ факультетларнинг нуфузи-

ни оширишга, касбий фаолиятини юксалтиришга эътибор бера бошлади ва икки йўналиш бўйича ёшларнинг илмий изланишларига раҳбарлик қила бошлади. Устознинг бевосита раҳбарлигида «Педагогика фанининг долзарб муаммолари ва уларни жорий этишнинг ахборотли технологиялари» йўналиши бўйича изланувчи ёшлар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Устоз бир неча йиллик илмий изланишлари ва тажриба-синов ишларини умумлаштириб 2000 йилда «Глаукома касалликларини ташхислаш, даволаш жараёнларининг оптимал вариантларини топишнинг математик моделларини яратишнинг автоматлаштириш» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва техника фанлари доктори илмий даражасини олишга эришди.

Устознинг бу соҳадаги илмий изланишлари, бошланғич таълим услуги соҳасидаги хизматлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурдаги Олий аттестация комиссияси томонидан юқори баҳоланди ва «Бошланғич таълим услуги» кафедраси профессори илмий унвонини олишга эришди.

Х.А.Тўрақуловнинг катта хизмати шундан иборатки, у моделлаштириш асосида системаларни бошқариш тармоқли ва худудли амалиётга қўллаб ривожлантирди. Олим томонидан ишлаб чиқилган алгоритмлаш тамойилларидан ЭХМнинг ишчи лойиҳисини яратишда унумли фойдаланилди.

Устоз фақатгина йирик олим ва илм ташкилотчиси бўлиб қолмай, ажойиб устоз ҳамдир. У камтарин, хушёр, ўзига, шогирдларига ҳамда ҳамкасбларига шунингдек оиласига ҳам талабчан. Магистр, аспирант ва докторантларга илмий раҳбар, республика олий ўқув муассасаларидаги кибернетик ва педагогик йўналишидаги илмий тадқиқот ишларига маслаҳатчи бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда.

Холбўта Тўрақулов раҳбарлик қилаётган амалий тадқиқот лойиҳа республика босқичида ўтказилган танловда грант олди. Амалий лойиҳанинг мақсади ёш авлодни та-

рихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида муносиб тарбиялаш, таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида юқори малакада бошқарув кадрларни тайёрлаш муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб «Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришнинг ахборот коммуникацияси технологиялари» деб номланади.

Олим фаолиятида илмий-оммабоп китоблар яратиш асосий ўрин эгаллаб келмоқда, зеро улар кибернетика, миллий ғоя тарғиботи, таълим тизимида ахборот технологиялари илмини тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг ёрқин мисоли «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари» фани бўйича ёрдамчи услубий қўлланма (2004 йил), «Маънавий лўғати» (2007 йил), «Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар» (2008 йил), «Педагогика назарияси фанидан изоҳли лўғат» (2008 йил), «Педагогикдан изоҳли лўғат» (тўлдирилган нашри, 2008 йил) каби китобларни кўрсатиш мумкин.

Катта сиёсий ва илмий билимларни оммалаштиришдаги хизматлари учун 2005 йилда педагогик таълим Халқро фанлар академиясининг академиги, 2008 йилда Халқро Небольсон мукофотининг лауреатидир.

Х.Тўрақуловнинг меҳнат фаолияти муносиб қадрланган. У «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонига эга ва вилоят ҳокимлиги томонидан бир неча марта Фахрий ёрлик билан тақдирланган.

Институтимизда яқинда домла илмий фаолияти билан боғлиқ яна бир қувончли воқеа бўлди, яъни Х.Тўрақуловнинг педагогик таълим халқро фанлар академиясининг академикига ҳақидаги диплом ва гувоҳномани ўша академиянинг академиги проф. О.Қувондиқов институтимиз жамоаси олдида тантанали равишда топширди.

Заҳматқаш олим, кўп сонли шогирдларнинг устози, Х.А.Тўрақулов ўзининг муборак 60 ёшини маънавий меросимизни тарғиб қилиш, таълим-тарбия ишида улкан муваффақиятлар билан кутиб олмақда.

А.СУВОНҚУЛОВ,
Н. УСМОНОВ,
педагогика факультети
доцентлари

ПАРТИЯ
АЪЗОЛАРИНИНГ
ВАЗИФАЛАРИ

Институтимизнинг кичик мажлислар залида 30 апрел куни Ўзбекистон Либерал демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокчида Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни гартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобининг ўрганишга бағишланган семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Семинарда «Жаҳон молиявий инкирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ҳамда унинг оқибатлари олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар» мавзусида институт маънавий-маърифий ишлар проректори А.Тангиров, «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ва уни гартараф этишда партия олдидики муҳим вазифалар» мавзусида ЎзАИДеП вилоят Кенгаши «Сўёсий таълим» маркази раҳбари Э.Шерманов, асарининг мазмун моҳияти ҳақида иқтисод фанлари номзоли Ф.Холмев, «Ўзбекистон шароитида инкирознинг гартараф этиш йўллари ва жаҳон бозорига янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари» мавзусида ЎзАИДеП вилоят Кенгаши мафқуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудир Б.Солтқов маъруза қилдилар. Семинар гаҳс-мунозарали тарзда ўтди. Талабалар ўзларининг кизиқтирган савоаларига жавоб олдидлар. Таъбир сўнгида институтга «Талабкор» тўғараги ташкил этишга келишилди.

Г.АХМАДОВА.

Веломарафон

СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРАФДОР ИМИЗ!

23 апрел куни Жиззахнинг Мустақиллик майдонида «Камолот ТУР» Республика 2-веломарафони иштирокчиларини институт талаба ёшлари кутиб олишти. «Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!» акцияси ҳамда велоспорт мусобақаси қатнашчилари билан институт маданият саройида учрашув ўтказилди.

Институт маънавий-маърифий ишлари проректори А.Тангиров мусобақа қатнашчиларини табриқлади.

«Нукус-Тошкент», «Термиз-Тошкент» йўналиши бўйича ўтказилган мусобақа қатнашчилари Сирдарё вилоятига кузатилди.

Ф. ҚЎШНАЗАРОВ

УЧРАШУВ

Сангзор воҳаси ижодкорлари орасида кейинги вақтларда Шодиёр Тошмурод ўғлининг номи кўпчиликка таниш бўлиб қолди. Яқинда «Фан» нашриёти унинг «Дил садолари» номли китобини чоп этди. Шоирнинг рубоий ва фардлари ўқувчиларга манзур бўлиб келмоқда.

Институтимизнинг ўзбек филологияси факультетида шоир Шодиёр Тошмурод талабалар билан учрашди ва ижод сирлари ҳақида кизиқарли мунозара бўлиб ўтди.

М.АВГАНОВА.

МАЪНАВИЙ
МАЪРИФИЙ ИШДА САМАРА БЎЛСИН

Институт маънавий-маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидан

викториналар, давра суҳбатлари, тестлар ишланмасини ташкил этиш тўғрисида вазифалар белгилаб олинди.

Институт маънавий-маърифий ишлар проректори доцент А.Тангиров мураббийлар кенгаши аъзолари фаолиятига тўхталиб, факультетлардаги баъзи устоз-мураббийлар ўзлари раҳбарлик қилаётган гуруҳлардаги талабаларнинг тартиб интизомига, ижарада турувчи талабаларнинг турмуш тарзига бефарқ қараётганликларини танқид қилди ва бу борала қилиниши керак бўлган ишларнинг кўплигини таъкидлади.

Гуруҳлардаги талабаларнинг давоматини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтириш ишларини ташкил қилиш, талабаларнинг кийиниш маданиятини назорат қилиш, ижарада турувчи талабалар аҳолидан доимий хабар олиш, мулоқот соатларини ўз вақтида ўтилишини таъминлаш вазифалари бекум қўст бажариш лозимлиги ўқитилди.

Институт хотин-қизлар кўмитаси раиси З.Узоқова факультетлар-

да режалаштирилган баъзи талбирлар ўтказилмаганлигини, баъзи бир факультетларда, айниқса, хорижий тиллар факультетида, қозоқ бўлимидаги қизларнинг кийиниш маданиятлари пастилигини таъкидлади.

«Камолот» ЁИХнинг бошланғич ташкилоти кенгаши ва факультетлардаги етакчиларга энг иқтидорли талабалардан гуруҳларга етакчилар сайлаш, ҳар бир ўтказилган маънавий-маърифий ва кўнгличар талбирларда уларнинг қатнашишларини таъминлаш, институт миқёсида ўтказилиши мўлжалланган «Кўвноклар ва зукколар» кўрик-танловига дастур доирасида факультетлар жамоаларини тайёрлаб бориш, институтдаги мавжуд фан ва спорт клубларига талабаларни янада кенгроқ жалб қилиш вазифаси юклатилди.

Институт ҳарбийлар кенгашига мўддатли ҳарбий хизматни ўтаб талабалар сафига қабул қилинган ёшлар билан ишлашни янада кучайтириш, 9-Май-Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилиши керак бўлган хотира турнирига ҳарбий хизматни ўта-

ган талабалар иштирокчини кенг қўламда таъминлаш, хотира турнирига бағишлаб марафон ташкил этиш вазифаси юклатилди. «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти қошидаги клублар фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу клубларга талабалар фаол иштирокчини таъминлаш фикри билдирилди. Клублар фаолияти фақат факультетлар миқёсида бўлиб қолганини сабабли институт миқёсида бир қатор клубларни тузиш таклиф қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг 2009 йил 7 мартдаги навбатдан ташқари кенгайтирилган мажлисида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тавсиялар асосида институтда маънавий-ахлоқий тарбия бўйича мавжуд ҳолатни ўрганиш, таҳлил қилиш, тегишли таклифлар бериш, йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этиш, услубий ёрдам кўрсатиш ва амалий семинарлар ташкил этиш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ф.АҚЧАЕВ,
институт ЁИХ бошланғич
ташкilotи етакчиси.

Йиғилишга маънавий-маърифий ишлар бўлими ходимлари, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти кенгаши, хотин-қизлар кўмитаси, устоз-мураббийлар кенгаши, «Талаба» спорт клуби, ҳарбийлар кенгаши аъзолари, талабалар кенгаши раислари, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосарлари таклиф этилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни гартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, факультетлардаги ўз-ўзини бошқариш ишларини аҳоли, мавжуд клублар фаолиятини такомиллаштириш чоралари, хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини яхшилашга доир бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни гартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришни янада такомиллаштириш, ҳар бир академик гуруҳда ушбу китоб бўйича

КЎЛ ТЕЛЕФОНИДА АСАББУЗАРЛИК



Бундан 10-15 йил муқаддам санокли кишилардагина кўл телефони бўлар эди. Вақт ўтиши билан у ҳаётимизга кириб кела бошлади. Кимга қараманг енида телефони бор. Бу албатта қувонарли ҳол. Лекин, уни ишлата билиш маданияти ҳам бор. Баъзида йўл транспортларида юрганамизда айрим кишиларнинг баланд овозда суҳбатлашиб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Пастрок овозда, бошқаларнинг диққатини да, тортмайдиган даражада гапларга ҳеч кимнинг гашига тегмайди. Буниси ҳам майли, ҳатто баъзиларнинг аза бўлаётган жойда ҳам кўл телефони билан фойдаланаётганига қараб туриб ҳайратга тушаман.

Талабаларнинг бу нарсадан фойдаланишига келадиган бўлсак, аввало кўпчилик талабалар узок жойдан келиб ўқишади. Ота-онаси билан суҳбатлашиб туриш учун керак. Лекин, бу дегани дўрс пайтида мусиқа тинглаб, гаплашиб ўтириш керак дегани эмас.

Факультетга, кутубхоналарга кўл телефони экиб кириш мумкин эмас деган қоида бор. Кўпчилигимиз бунга амал қилмаймиз. Қолаверса, телефонда кўп гаплашишнинг соғлиққа зарарли эканлигини олимларимиз таъкидлашмоқда. Ҳар бир нарсадан фойдаланишнинг ўз ўрни, меъёри бўлади. Ана шу қоидага риоя қилсак, фойдадан холи бўлмайди.

Азиза МАМАРАСУЛОВА,
Зебинисо БОЗОРОВА,
Ўзбек филологияси
факультети талабалари.

СУКРОТ: "Инсон ўз саломатлигининг посбони бўлса унга ўзидан яхшироқ табиб топишга ҳожат йўқ", деб айтган эди. Демак соғлом турмуш инсоннинг ўзига боғлиқ экан.

Ҳўш, ҳозирги кунда айрим ёшларимиз талабалик йилларидан оила курадилар. Айни шу ёшда оилавий турмушга ахлоқан, маънан, жисмонан, психологик тайёргарлик талаб қилинади.

Аксарият қизларимиз ўқишни битириб оила курадилар ва бахтли ҳаёт кечирадилар. Улар ўқишларига айниқса ёшларига эътибор берадилар. Покизаллик, нафислик, малоҳат, хушёрлик каби фазилатлар қизларимиз хуснига хусн, одобига одоб

ТАЛАБА КЕЛИН БЎЛГАНДА...

кўшади. Бундай тарбияли қизлардан соғлом оила вужудга келади.

Талабалик даврида оила кўриш яхши. Аммо эплай олса. Бундай оилали талабани отаси боқади. Талаба бўла туриб турмуш қилиш

қизларимиз учун оғирлик қилмасмикан? Баъзи талаба-келиндаримиз бор, на дарсни эплайди на оиладаги ишларни. Ўзининг соғлиғига-ку умуман эътибор бермайди ва бунинг натижасида кўпгина келинларимиз

Бундай онадан соғлом фарзанд вужудга келадими. Йўқ албатта.

Баъзи талаба келинлар турмушдан нолийди, ўқишга шароити йўқлигини айтади. Бунда у ҳам қийналади, оила аъзоларини ҳам қийнайди. Шу билан бир қаторда баъзи келинларимиз борки ўқишга ҳам оила ишларига ҳам бемалол улгурдилар. Демак, қизларимизда эпчиллик, чақонлик етишмас экан.

Хулоса қилиш шунинг айтиш мумкинки, ёшларимиз қанчалик соғлом бўлсак, келажакда жамиятимиз ҳам соғлом бўлади.

Шунинг айтиш мумкинки, ёшларимиз қанчалик соғлом бўлсак, келажакда жамиятимиз ҳам соғлом бўлади.



Миллат эса гуллаб яшнайди. Шунинг учун ҳам биз аввало соғлом турмуш тарзини қарор топтиришимиз лозим.

Юлдуз
ТОШПЎЛТОВА,
мактабгача таълим ва болалар спорти йўналишининг 3-босқич талабаси.

ТАЛАБА

ХУРМАТЛИ ТАЛАБА ЕШЛАР!
«Зиё чашмаси» - Сизнинг газетангиз. Бугунги кунда газетамизнинг адади мингтадан 5300 нускага етди. Бу албатта Сиз аниқ газетангизнинг фаоллигини ва ушбу нашрга қизиқишингиздан даража берди.

Газетанинг нашр адади ошиши билан бир қаторда таҳририятга келадиган хат-хабарлар сони ҳам кўпаймоқда.

Талабаларимиз мактублари орасида қизиқарли, фактларга бой, ўқинишли мақолалар бисер! Биз улардан имкон борича фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Газетамизда бир марта чоп этилиши сабабли барча хатларни бошичигини иложи йўқ. Бундан ноумид бўлмасдан фикр-мулоҳазаларингизни езиб юборинг, таҳририят улардан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилади.

Ушбу сарифда талабалар ҳаётига дахлдор муаммолар, тақлиф мулоҳазалар ва талабаларимизнинг юрдуслари билан танишасиз.

- > Таклиф қиритади
- > Мушоҳада юритади
- > Танқид қилади
- > Талаб қилади

* Муҳокама учун мавзу

Кийиниш одоби

Инсон бутун умри давомида яхши еб-ичишга, кийинишга, жамиятда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади.

Ўзбек халқининг ўзига хос ёзилмаган қонунлари борки, улар асрлардан-асрларга ўтиб, сақланиб ва уларга амал қилиниб келинаётган удумларда, фазилатларда ўз аксини топган. Масалан, бизда "саломлашиш одоби", "кийиниш одоби" деган тушунчалар борки, бу тушунчаларни ўзбек миллатидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир ўзбек хонадониди шарқона одоб-ахлоққа риоя қилинади.

Шу жумладан кийиниш масаласида ҳам бошқа халқларникига ўхшамаган ўзига хослик бор. Бизнинг момоларимиз атлас кийишган, бошларига эса дўппилар кийиб сочларини қирқ қокил қилиб юришган. Ҳозирги кунда ҳам атлас ва дўппиларнинг турли хиллари бор. Қизларимиз улардан чиройли кўйлақлар тикиб кийишади. Кўчада юрганамизда, бошига дўппи кийиб, сочини майда ўриб олган, эгнида эса ўзига яраштириб кийиб

олган костюм-юбкали қизларга кўзимиз тушади. Албатта, уларга қараб ҳавасимиз келади. Яна шундайларни кўрамизки, қарашга гоҳида уялиб кетасиз. Юбкани калта кийиш, шимни ниҳоятда тор кийиш -бу ўзбек менталитетига тўғри келмайди. Аксинча, Европада тақлид ҳисобланади.

Менинг фикримча қизларимиз шим ёки юбкани кийишганда, бошқаларнинг гашини келтирмайдиган даражада ўзларига ҳам ноқулайлик туғдирмайдиган ҳолатда кийишса яхши иш бўлар эди. Йигитларимиз ҳам ўқишга келадиганларида дафтарни чўнтақларига солиб келмасдан, костюм-шим, галстук ва кўйларига албатта, сумка олишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Нима бўлган тақдирда ҳам биз ўзлимизни, аждодларимиз кимлар бўлганини унутмаслигимиз керак.

Азиза МАМАРАСУЛОВА,
Ўзбек филологияси
факультети 2-босқич
талабаси.

- ✓ Талаба учун талабчанлик зарур
- ✓ Чин севги билан ҳаваснинг фарқи
- ✓ Кўл тўлефонларини ишлатиш маданияти.



Ҳар бир инсон дунёга келар экан албатта у улгайиб, баркамол шахс бўлиб етишишга ҳаракат қилади. Келажакда ватани ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишни орзу қилади. Қисқа килиб айтганда, ҳар бир фарзанд келгуси ишларида ота-онасининг, ака-укаларининг, опа-синглисининг, кўни-кўшини, маҳалла ҳамда мустақил Республикаимизнинг, керак бўлса бутун дунёни фахрлантира олган комил инсон бўлиб вояга етишишни мақсад қилиб олади ҳамда ана ўша орзу-мақсадларига эришмоқ учун ҳаракат қилади. Ота-оналар ҳам ўз фазандини худди шундай комил ва етук инсон бўлиб вояга етишишини истайдилар, нафақат истайдилар, балки чин дилдан бунга ҳаракат қиладилар. Дастлаб, улар ўз тарбиясини берадилар, сўнгра мактабгача таълим тарбия масканига, яъни боғчага берадилар. Мактаб, лицей ёки коллежни битириб, сўнгра олий ўқув юртига ҳужжат топширишга борар экан, улар ҳаётида яна бир муҳим қадам ташланади. Бу қадам ҳар бир шахснинг келажакини қандай қуришига боғлиқ бўлиб, у қайси соҳа бўйича ўз амалий фаолиятини олиб боришини ҳал этади. Бу муаммони ўз қизиқишлари, эгаллаган билим кўникмаларини ҳисобга олган ҳолда ҳал этадилар.

Олий ўқув юртида талабалик номига муяссар бўлган ҳар бир ёш олдиди энди катта мақсад бўлади. Яъни ушбу олий ўқув юртида ўзига керакли бўлган билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб, етук кадр бўлиб, олий даражали диплом олиш, ҳамда келгуси ҳаётининг фаровон бўлмоғи учун мустаҳкам асос яратиб.

Афсуски, ҳар бир нарсанинг икки томони бўлган каби олий ўқув юртидаги баъзи талабалар орасида юқоридаги мақсадларига эриша олмайдиганларини ҳам учратиш мум-

кин. Шу ўринда талабаларнинг ўз эзгу мақсадларига эришишига нима тўсқинлик қилиши мумкин ҳамда уларнинг юқори савияли етук кадр бўлиб етишишига нима эмас, нималар тўсиқ бўлиши мумкин, деган савол туғилиши табиий ҳолдир.

Буларга мисол тариқасида кўрсатадиган бўлсак, талабаларнинг узок вилоятлар ва туманлардан келиб таълим олиши, улар ота-оналаридан йироқлиги, яъни "кўз олдиди" эмаслигидир. Баъзи ота-оналарнинг ўз фарзандларига бепарволиги, яъни қаерда ва кимникида, қ а н д а й

ЯХШИ ЎҚИШГА ТЎСИҚ НИМА?

шароитда яшати, фарзандининг дўстубиродарлари ким, дарсга фаол қатнашпими ёки қатнашмаслиги, умуман олганда ўқув фаолиятига бефарқлиги-ю лоқайдлиги ҳақида қизиқмаслигида.

Яна бир сабаб баъзи ўқитувчиларнинг талабаларга нисбатан бепарволиги ҳамда лоқайдлигидир. Бунинг оқибатида талаба ушбу ўқитувчининг дарс топшириқларини лозим даражада ёки умуман бажармаслиги, ҳатто маъруза, амалиёт дарсларига келмаслиги кузатилади. Натижада талаба етарли даражада билим олмайди ҳамда фанни яхши ўзлаштира олмайди. Яна шу томони борки, талабаларнинг дарсга қатнашмаганликлари туфайли "НБ" ларнинг кўпайишига олиб келади, охир оқибатда у талабалар сафидан

четлаштирилади.

Талабаларнинг ўқув фаолиятига ҳалақит қилувчи яна муҳим сабаблар сифатида уяли телефон аппаратларини айтиб ўтишимиз мумкин. Чунки телефон аппаратлари баъзан дарс жараёнида ўқитувчи ва бошқа илмга чанқоқ талабаларнинг фикру хаёлини бузади. Шундай талабалар ҳам борки, ўзи дарсларда фаол бўлмайди, қолган талабаларни ҳам ўқитгани кўймайди. Дарс топшириқларини бажаришда китоб ўқиш тугул ҳеч бўлмаганда, ўқитувчилар ўқитган маърузасига беэтибор бўлишади. Шу ўринда талабалар ушбу маърузаларни тинглаш ва уларни ўзлаштириш ўзим учун керак-ку, "бир куним учун ас қотар" деб ҳам ўйламайдилар ҳам тингламайдилар. Ҳатто ўқитувчи ва талабаларнинг асабига ўйнаб, дарс жараёнини бузадиган, кўпол қилиб айтганда, ўзларини кўз-кўз қиладиган баъзи "олифта талаба"лар ҳам мавжуд.

Энди талабалар ўртасидаги баъзи бир одатлар хусусида. Бу ҳам бўлса йигит ва қиз ўртасидаги "севги-муҳаббат". Шу ўринда гўзаллик, севги, муҳаббат дунёни фалокатдан сақлаб қолувчи омиллардан бири-ку дейишимиз ҳам табиийдир. Мен юқоридаги сўзларимдан "севги-муҳаббат"ни қораламоқчи эмасман. Шунчаки эслатиб ўтишни ўзимга жоиз деб билдим.


Ҳар бир нарсанинг икки томони бўлгани каби, "севги муҳаббат"нинг ҳам икки томони, яъни салбий ва ижобий томонлари борлигини инкор этолмаймиз. Масалан, ижобий томони йигит ва қиз дарс жараёнида ёки бошқа ўқув ишлари жараёнида ўзларининг яхши хислатларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бунинг учун эса улар тиришқоқлик, талаб-

чанлик ҳамда қизиқувчанлик билан барча билимларни тинимсиз эгаллашга ҳаракат қилишади, изланади ва амалда уни намоён қилади.

Салбий томони сифатида айтишимиз мумкинки, талаба дарс тайёрлаш ўрнига соатлаб "йигити" ёки "қизи" билан суҳбатлашади. Бу суҳбат телефон орқали ҳам бўлиши мумкин, бу ҳол эса нафақат қимматли вақтига балки, соғлиғига ҳам зарар. Йигит ва қиз эртанги кунини бир-бирларисиз тасаввур қилиша олмаслик даражасига етиб, улар ўртасидаги муносабат айтилмай жуда ҳам чуқурлашиб кетди дейлик. Шу вақтга келиб иккисидан бири маълум сабабларга кўра (масалан, оддийгина рашқ туфайли иккиси ўртасида низо келиб чиқиши ҳамда уларнинг арашлашиб қолиши, шунингдек, ота-онасининг қаршилиги ва норозилиги) севгисидан воз кечишига тўғри келса нима бўлишини ўйлаб кўринг. Оқибатда йигит ёки қизнинг кўнгли қаттиқ синади, иродаси букилади, кўнглига ҳеч нарса сиғмайди шу билан бирга уларда эртанги кунига ишончсизлик, умидсизлик пайдо бўлади ҳамда келгуси ҳаётида ҳеч нарсага қизиқиши қолмайди. Кўнгли тоналган, умидсиз, ўзига ишончини йўқотган талаба ўқув ишлари билан шуғулланармиди...? Уй вазибаларини бажариш, китоблар мутоалаа қилиш ўрнини асаб-бузарликларлар, бекорчи хаёллар эгаллайди. Бундан ташқари у дарс жараёнида ўз фаоллигини ҳам кўрсатиш у ёқда турсин, ҳатто дарсга қатнашмай кўйиши ҳам мумкин. Бундай салбий ҳолатдан фақатгина иродаси бақувват инсонгина ўзини тез орада қайта тиклай олиши мумкин, аммо бундай инсонлар ҳаётда кам учрайди.

Шунинг учун ҳамма нарсанинг ўз мавриди, ҳар бир ишнинг чегараси борлигини билиб олишимиз лозим бўлади. Агар талаба меъёр, чегара нима эканлигини билса, ўз вақтининг қадрига етса, юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиб, етук кадр бўлиб етишмоғи осонлашади. Талаба учун билим олиш ва уни ўзлаштириш биринчи даражали иш бўлмоғи керак.

Алишер АРИПОВ,
тарих факультети миллий истиқлол
ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари
йўналиши 3-босқич талабаси.



ШЕКСПИР ТАВАЛЛУДИНИНГ 445 ЙИЛЛИГИГА

ҲАМЛЕТ МОНОЛОГИ

ҲАМЛЕТ МОНОЛОГИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Шекспирнинг «Ҳамлет» фожеаси ёзилган ва илк саҳнага қўйилган сана ҳақида аниқ маълумот сақланмаган. Инглиз шекспиршуноси Э.К.Чемберснинг тасдиқлашича «Ҳамлет» 1600-1601 йиллар атрофида ёзилган ва саҳналаштирилган. Шу сана адабиёт тарихида тан олинган келинади. Дарвоқе, жаҳон адабиётида «Ҳамлет» фожеасидек кўп таржима қилинган машҳур асар топилмаса керак. У ҳақида уч мингга яқин катта-кичик тадқиқотлар яратилган ҳақида библиографик маълумот учрайди.

Масалан, 1748-2003 йиллар давомида «Ҳамлет» рус тилига 21 марта, ундаги машҳур «Ҳамлет монолоғи» 34 марта ўғирилган. Утган асрда, биз билганимиз «Ҳамлет»нинг таниқли адиб Б.Пастернак ва сардор таржимон М.Лозинский томонидан ўғирилган нусхалари рус театрлари ва нашриётлар-

ини беизади, китобхоналарга манзур бўлади.

XXI асрнинг бўса-бўса рус шекспиршунослари юқоридаги таржималарни аслиятдан йироқ, асл нусха матни тағма-носини ўзларида тўла-тўқис ифода этолмаган (А.Чернов, И. Шайтонов, С.Николаев ва бошқалар), деган мулоҳаза билан чиқдилар. Ва нҳоят, 2003 йилда шоир ва таржимон Андрей Чернов томонидан амалга оширилган «Ҳамлет»нинг янги русча таржимаси нашр килинди. Бир йилдан сўнг ушбу таржима олимларнинг изоҳ ва сўнгсўзлари билан бойитилган вариантда уч минг нусхада нашр этилади. Ҳозирда «Ҳамлет»нинг А.Чернов таржимаси Москва ва Санкт-Петербургда театрларида саҳналаштирилган. «Ҳамлет»нинг ўтган асрда яратилган Чўлпон (1934), М.Шайхзода (1948) ва Ж.Камолов (1991) таржималари ҳақида бугун

нима дейиш мумкин. Улар ҳақида олимларимизнинг айтишган фикрлари, берган баҳолари бугун ўз аҳамиятини йўқотдими ёки йўқми. «Ҳамлет»ни ўзбек тилига қайтадан таржима қилиш зарурияти бормикин? Агар бўлса нимага бу хусусда таржимон ва олимларимиз жим туришибди. Бугун мамлакатимиз олий ўқув юрталарида юзлаб талабалар инглиз тили ва адабиётдан мутахассис бўлиб чиқмоқдалар. Зеро, улар орасида Шекспир ижодига қизиқувчи шоиртаржимонлар етишиб чиқиб, «Ҳамлет»нинг янги, янада мукамал таржималарини яратсалар, нур устига аъло бўлуриди.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда биз «Ҳамлет» монолоғининг ўзбекча таржимасини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ,
филология
фанлари доктори,
профессор.

Ё ҳаёт ё мамот: Масала шундоқ.
Жоизмикин ул жобиру жаббор фалакнинг
Жафосига ҳар дақиқа чидаса юрак?
Ё балолар денгизига кўндаланг бўлиб,
Койишлару ташвишларга чек қўймоқ керак?
Ўлиш. Ўзни унутиш. Бас, тамом-вассалом.
Рухий изтироблар, танинг азобларига
Биламизки, чегарадир шу оғир уйқу.
Зотан, асл бир муддао эмасмидир бу?
Адо бўлмоқ. Ва адосиз уйқуга чўммоқ.
Кейин тушлар кўрмоқ. Мана, жумбоққа жавоб.
Ўлим уйқусида — ўша ҳокий либосдан
Қутулганлар, қандай тушлар кўришар экан?
Мана изоҳ. Мана ўша ҳақиқий сабаб-
Бизнинг қайғу — аламларни йилларга чўзган,
Бўлмасачи, ким чидарди даврон таҳири,
Қувғинларнинг машаққати, жаҳолат макри,
Муҳаббатнинг сафолати, ҳасрат-надомат,
Ҳуқуқсизлик ва қанчалар ранжу маломат,
Давлатмандлар салтанати, ҳаволари-ю,
Ё бўлмасам, чинаками хизмат устидан
Ношудликнинг пучак ҳукми — даъволари-ю...
Ким чидарди буларга, бу шўриши савдо
Битта ханжар зарбаси-ла топаркан адо?
Ким кўнарди, тирикликнинг юки остидан
Букчайганча йўл босишга инқиллаб, агар
Ўлим ортидаги ўша қора мавҳумот.
Азми сафар қилиб биров қайтиб келмаган
Ўша мулки мавҳумотдан кўрқув муқаррар,
Иродани қайирмаса, босиб, эгмаса.
Ва белгисиз соҳилларга ўзни ургандан,
Ўша таниш қабоҳатни афзал демаса.
Ҳаммамизни кўрқоқ қилиб қўяр тафаккур.
Ноқис ақл сочган ўша хира шўладан
Азму қарор ранги учиб, бўзрайиб қолур.
Қўлами ва залвори зўр ниятлар ҳам то
Тўғри йўлдан чиқиб мақсад остонасида
Тўзон бўлиб кетар, тамом топар таназзул.
Бас, кифоя! Офелия! Эй, гўзал пари,
Бир осийман, дуойингда ёд айла мени.

(Инглизчадан
Жамол Камол таржимаси)

МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА

Шоир таваллудининг 55 йиллигига

Ҳамон ёдимизда сизнинг сиймонгиз,
Содиқ дўст, меҳрибон устоз эдингиз,
Элини жонидан ортиқроқ суйган,
Қалами ишдан бунёд эдингиз.

Назм бўстонида топилмас гавҳар,
Камтарин, ҳокисор инсон эдингиз.
Ох, нечун «дунёдан ўтсам мен агар,
Кизларим йиғлашни билмас» дедингиз.

Тақдирнинг ишини кўринг бешафқат,
Назм гулшанини хазонга тутди.
Муҳаммад Юсуфдек буюк бир зотни,
Бугун орамиздан мангуга элтиди.

Ашъор битган эди онам, болам деб,
Сўзга тўн бичилади, борича ёзди.
Меҳру-муҳаббатни «менинг жўрам» деб,
Бахтнинг сувратини қоғозга чизди.

«Мен учун бир онам йиғлар» деганди,
Бутун ўзбек элин йиғлатиб кетди.
Мен фақат шоирман, шоирман дея,
Кетгунча қаламин қўлида тутди.

Севара КАРИМОВА,
ўзбек филологияси факультети
2-босқич талабаси.

Иқтидорли ёшларимиз маишқ дафтаридан



ОППОҚ БЎЛИБ ГУЛЛАГАН ЎРИК...

Тонгда куёш тафтидан бурун,
Чор-атрофда бошланди кўрик.
Баҳоримнинг қафтида нигин,
Ғолиб келди, гуллаган ўрик.

Мағрур ўрик шабнамни чорлаб,
Бир озгина олдан олибди.
Ўз қалбини чунон зарлаб,
Ширин-ширин болдан солибди.

Ботиний ҳам зоҳирий гўзал,
Айлаб чиндан баҳоримга кўрк,
Бошлаб берди менга бир ғазал,
Оппоқ бўлиб гуллаган ўрик.

Сабоҳат ЙЎЛДОШЕВА,
ўзбек филологияси
факультети 3-босқич
талабаси.

ГУЛИМ

Гулим сенга капалакдек кўниб учай,
Шабнам бўлиб, эрта тонгда бўйнинг кучай.
Ёлғиз сени севаман деб онлар ичай,
Имкон бергин севишимни, исбот этай.

Гулим сенга булбул бўлиб, кўшиқ қуйлай,
Сен ўсган ёғда сайраб армон билмай.
Шайдо бўлиб, атрофидан ҳечам жилмай,
Имкон бергин севишимни, исбот этай.

Гулим интиқ бўлиб, баҳор келишин кутай,
Сенга атаб кўшиқ айтмай, шеър битай.
Баҳор келгач юрагимни сенга тутай,
Имкон бергин севишимни, исбот этай.

Ўткирбек ЎРОЛОВ,
муסיқий таълим йўналиши
3-босқич талабаси.



ҚИЗ НОМИДАН ОТАГА

Ота, кетар уйим энди бегона,
Хувиллаган ҳрвлим қолади ортда.
Тақдирим қоракни қилар девона,
Ешигим ўтган-ку ўша бекатда.

Ота тушунтиролма сизга ўйларим,
Нурли кошонамда сирларим қолди.
Болалиқда ўтган шўх қувончларим,
Ялангоёқ юрган изларим қолди.

Бугун кетмоқдаман кўзларимда ёш,
Оловли ўтларнинг алангасида.
Тақдир оловига берайин бардош,
Мардмнинг енгилмас кошонасида.

Ота оёғига бош эгар чоғим,
Юраклар ларзага келади шу чоғ,
Мен яшнатгум ўша борар чаман боғ,
Отажон сиз ўша менинг боғбоним.

Ота розилиги берган оқ тузи,
Ҳар бир қиз ораси олмоқ тилаги.
Хайрлашмоқ онлари олманг кўзга ёш,
Айтинг қандай яралган ОТА ЮРАГИ.

Раъно ГУЛМУРОВА,
педагогика факультетининг
3-босқич талабаси.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА КАДРЛАШ КУНИ

Хотира — сабоқ, кадр-фазилат. Биз ҳар кун, ҳар соат, сонияда хотирага мурожаат қиламиз. Ватанимиз, халқимиз босиб ўтган машаққатли йўл, мозийда қолган воқеалар, тақдирлар, жангу жадалларни кўз олдимишга келтирамиз. Шунда Хотира биз учун сабоқ берувчи мураббий, меҳрибон устоздай йўл кўрсатади. Хатолардан огоҳ беради, тўғри йўлга солади.

Ватан озодлиги учун, миллий тараққиёт йўлида ўз жонини қурбон қилган инсонларни ёдга олиш, хотирасига ҳурмат баҳо келтириш билан бирга, бугун биз билан ёнма-ён яшаётган фидойи инсонларни, устоз мураббийларни, умри давомида ҳалоллик, поклик билан ўрнак бўлиб келаётган ҳуроний отахон-онахонларимизни кадрлаш, уларга қар ҳар томонлама иззат-икром кўрсатиш ҳаммамизнинг, хусусан ёш авлоднинг бирламчи маънавий бурчидир.

Хотира ва кадрлаш куни арафасида институтимиз жамоасига меҳнат қилган ва орамиздан кетганлар хотирасини ёд олиб, бугунги кунда биз билан ёнма-ён туриб фидокорона тер тўкаётган азиз, мўътабар инсонларни эъзозлайлик ва кадрлайлик.

ҚОДИРИЙ — СЎЗ САНЪАТКОРИ



Буюк сўз устаси Абдулла Қодирий таваллудининг 115 йиллигини институт жамоаси кенг нишонлади. Ўзбек филологияси факультетида шу муносабат билан тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда «Абдулла Қодирий улкан сўз санъаткори» мавзусида ўзбек адабиёти кафедраси мудир, доцент И.Икромов, «А.Қодирийнинг тилдан фойдаланиш маҳорати» мавзусида ўзбек тилшунослиги кафедраси мудир, доцент Б.Файзуллаев, «Абдулла Қодирий шеърини» мавзусида профессор О.Жўраев, «Адибнинг ҳикоячиликдаги маҳорати» мавзусида доцент Ю.Каринова, «Абдулла Қодирий — ҳажв устаси» мавзусида доцент Н.Соатова ҳамда «Адибнинг миллий маданият ва адабиётшуносликка оид қарашлари» мавзусида ўқитувчи М.Жўраев маъруза қилдилар.

Ўзбек филологияси факультети иқтидорли талабалар маркази ва «Ёш адабиётшунос» тўғраги аъзолари Абдулла Қодирий асарлари асосида адабий-бадиий композиция намойиш этишди.

Г.АҲМАДОВА.

ТАЛАБАЛАРГА МАСЛАҲАТ

Бунга амал қилинг

ВАҚТНИ ТЕЖАШНИНГ ОЛТИН ҚОИДАЛАРИ:

- ВАҚТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ
- БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАРНИ ҚОҒОЗГА ТУШИРИШ
- «ВАҚТ ЎҒРИ»ЛАРИГА «ЙЎҚ» ДЕЙИШ
- ОИЛА АЪЗОЛАРИГА ВАҚТНИ БОШҚАРИШНИ ЎРГАТИШ
- ЯҚШАНБА КУНИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ
- РУҲИМИЗНИ ТУШИРМАСЛИК.

Агар вақтни бошқармасанг, уни бой берасан. Агар вақтингизни ўзингиз режалаштирмасанг, уни бошқалар режалаштиради, сиз ҚУЛ бўласиз.

Вақт ўзи ўта ноёб нарса, бунинг устига ундан унумли фойдалана олмасанг, ҳеч нарсанинг урдасидан чиқа олмайсан.

Институт чолғу асбоблари ва аънавий ижрочилик кафедраси ўқитувчиси Бегбўтаева Гулзодага волидаи муҳтарамаси
Зайнаб с-на БЕГБЎТАЕВАНING
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур тазия билдирамиз.

МАЙ ОЙИНИНГ ҚУТЛУГ САНАЛАРИ

5 май — Қорақалпоқ халқ шоири Ибрагим Юсупов (1929-2008) таваллудининг 80 йиллиги

9 май — Хотира ва кадрлаш куни

10 май — Болалар ёзувчиси Турғунбой Қойибов (1904-2002) - 105 ёшда.

11 май — Инглиз ёзувчиси Войнич Этель Лилиан (1864-1960) таваллудининг 145 йиллиги

15 май — Бутун жаҳон оила куни

18 май — Халқаро музейлар куни

ЗИЁ ЧАШМАСИ

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институту

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтан назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Матбуот ва ахборот агентлигида № 06-028 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти — 19.00
Топширилди — 18.00

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, Абдулла Қодирий номи Жиззах Давлат педагогика институти.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида офсет усулида
5320 нусхада босилди.
Буюртма № 193. Shaki- A-3.